

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ АНТИДОПИНГ АГЕНТЛИГИ**

А.Б. Солиев, А.А.Садиков

**СПОРТДА ТАҚИҚЛАНГАН МОДДАЛАР ВА
УСУЛЛАРДАН ТЕРАПЕВТИК МАҚСАДДА
ФОЙДАЛАНИШ**

(Ўқув-услубий қўлланма)



Тошкент-2025

Тузувчилар:

А.Садиқов

Миллий антидопинг агентлиги директори

А.Б. Солиев

Миллий антидопинг агентлиги бўлим бошлиғи

Тақризчилар:

Ушбу қўлланмага Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (ВАДА)нинг спортчилар учун фойдаланиши тақиқланган моддалар ва усуллар рўйхатини белгилайдиган асосий халқаро стандарти “Спортда тақиқланган моддалар ва усуллар рўйхати”га киритилган моддалардан Терапевтик истисно тарзида фойдаланиш мезонлари, биологик фаол кўшимчалар, допингга қарши қоидаларни бузганлик учун спортчиларнинг жавобгарлиги, спорт озикланишидан фойдаланиш билан боғлиқ хавфлар тўғрисида ва бошқа маълумотлар киритилган.

Бу маълумотлар спортда тақиқланган моддалар ва усуллардан антидопинг қоидаларини бузмасдан қонуний равишда фойдаланиши учун хизмат қилади.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси миллий терма жамоаларининг тиббий штаби, спорт турлари бўйича клуб жамоаларининг тиббий штаби ҳамда барча профессионал ва хаваскор спортчилар, мураббийлар, спортчини қўллаб-қувватловчи шахслар, ота-оналар ва барча спорт мутасаддилари учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма агентлик ҳузуридаги ахлоқ ва терапевтик истиснолар комиссияларида муҳокама қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги йиғилишининг _____ йилги _____ сонли баёни билан тасдиқланган.



Тақиқланган рўйхат нима?

“Спортда тақиқланган моддалар ва усуллар рўйхати” (кейинги ўринларда “Тақиқланган рўйхат”) – бу Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (ВАДА) томонидан тасдиқланган ва ҳар йили бир марта янгиланадиган спортда фойдаланиши тақиқланган моддалар ва усуллар рўйхатини белгилайдиган асосий халқаро стандарт ҳисобланади.

Тақиқланган рўйхатда барча спорт турларида исталган вақтда (мусобақа даври ва мусобақадан ташқарида даврларда) фойдаланиш тақиқланган моддалар ва усуллар, шунингдек, фақат мусобақа даврида ёки фақат айрим спорт турларида фойдаланиш тақиқланган моддалар рўйхати келтирилган.



Доимий тақиқланган моддалар

SO. ФОЙДАЛАНИШГА РУХСАТ БЎЛМАГАН МОДДАЛАР

Рўйхатнинг кейинги бўлимларидан бирига киритилмаган ва ҳозирда Соғлиқни сақлаш соҳасидаги назорат қилувчи давлат органлари томонидан инсонларда терапевтик восита мақсадларида фойдаланиш учун рухсат этилмаган ҳар қандай фармакологик моддалар (масалан, клиникадан олдинги ёки клиник тадқиқотлар давридаги дорилар, лицензияси бекор қилинган дори воситалари, “Конструкторлик” (молекуляр даражада ўзгартирилган янги эйфориантлар), ёхуд ветеринария соҳаси учун ишлаб чиқилган дорилардир. Улар аввал маълум бўлган дорилар билан таққослаганда кўпроқ концентрацияланган ва кучли фаол психофаол моддалардир. Мазкур дори воситалари, фақат ветеринария учун тасдиқланган, шу соҳа учун ишлаб чиқиладиган ёки ишлаб чиқарилиши тўхтатилган дори воситалари, йиғма препаратлар бўлиши ҳам мумкин. Шунга кўра, мазкур синф моддалари доимий тақиқланади.



S1. АНАБОЛИК АГЕНТЛАР

Бу гуруҳ дори воситалари спортчилар учун доимий равишда, яъни мусобақа даврида ҳам, мусобақадан ташқари даврда ҳам қўлланилиши тақиқланади. Бу дори воситаларининг таъсир механизми шундаки, улар организмда оксиллар ҳосил бўлишини орттириб, уларнинг парчаланишни камайтиради, аминокислоталар ўзлаштирилишини эса яхшилайди.



Натижада скелет мушакларининг вазни ва кучи ортади, ички аъзолар – жигар, юрак, буйрак вазни ҳам ортиб боради. Анаболик стероид моддалар умумий регенерация жараёнини ошириши туфайли спортчилар бу дори воситаларидан кўпинча мақсадли равишда фойдаланишади.



Бу дори воситаларига мисол қилиб тестостерон ва унинг ҳосилалари, андростерон ва унинг ҳосилалари каби бир қанча гормонларни киритиш мумкин.

Анаболик стероид моддалари носпецифик дори воситалари гуруҳига киритилган бўлиб,

спортчидан олинган допинг синамасида мазкур гуруҳ дори воситаларининг аниқланиши спортчига нисбатан 4 йил ва ундан кўп вақтга санкция берилишига сабаб бўлади. Тақиқланган рўйхатнинг Анаболик агентлар гуруҳига 2024 йил учун янгиланган рўйхатда Трестолон (7 α -метил-19-нортестостерон, МНТ) ва 11 β -метил-19-нортестостерон нандролон (19-нортестостерон) аналоглари мисол тариқасида қўшилган.

S2. ПЕПТИД ГОРМОНЛАРИ, ЎСИШ ОМИЛЛАРИ, ШУ КАБИ МОДДАЛАР ВА МИМЕТИКЛАР

Эритропозни рағбатлантирувчи моддалар (эритропоз юнонча erythro – қизил, poiesis - ҳосил қилиш маъносини билдиради) қон ҳосил қилиш жараёнининг турларидан бўлиб, унинг қўлланилиши натижасида организмда қизил қон таначалари (эритроцитлар) ҳосил бўлиши кучаяди. Эритропозтин гормони организмда буйраклар томонидан ишлаб чиқарилади. Ушбу гормон қизил қон таначалари (эритроцитлар) кўпайишига ва гематопозтик тўқималарда эритропознинг тезлашишига ва эритроцитларни қонга чиқишини кўпайишига олиб келади. Спортчилар қонда эритроцитлар миқдорини ошириш ҳисобига моддалар алмашинувини тезлаштириб, сунъий куч олиш ҳосил қилишни кучайтиради. Шунинг учун бу дори воситалари ҳам доимий тақиқланган ҳамда специфик бўлмаган (носпецифик) моддалар гуруҳига киритилган.



Ўсиш гормонлари

Ўсиш гормонларига бош миянинг гипофиз безидан ажралиб чикувчи гормонлар ва бошқа гормонлар киради.

Бу гуруҳга бир қанча ўзгартиришлар киритилган бўлиб, улар қуйидагиларни ташкил этади:

- С2.2.1 "Эркаларда тестостеронни стимуляция қилувчи пептидлар" сарлавҳаси остида қайта номланган. Натижада мазкур гуруҳга *бусерелин, деслорелин, госсерелин, гистрелин, лейпрорелин, нафарелин* ва *трипторелин* гонадотропин ажратувчи гормон (GnRH) агонист аналогларига мисол бўлиб, *гистрелин* эса янги мисол сифатида қўшилган. Шунингдек, GnRH ва шу орқали тестостерон секрециясини стимулловчи *кисспепти* ва унинг агонист аналоглари ҳам қўшилди.

- С2.2.2: *Тетракозактид* (АСТН 1-24) мисол сифатида қўшилди, чунки у 24 та аминокислотадан ташкил топган табиий кортикотропиннинг (АСТН) биринчи қисмини ифодалайди ва табиий гормоннинг тўлиқ биологик фаоллигига эга.

- С2.2.4: *Капроморелин* ва *ибутаморен* (МК-677) ўсиш гормони секрецияси (СGR) стимуляторларига мисол сифатида қўшилди, сабаби улар ўсиш гормони (GH) ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган табиий Грелин гормони ва ўз навбатида инсулинга ўхшаш ўсиш омили 1 (IGF-1)нинг миметиги ҳисобланади.

- С2.3: Инсон рекомбинант IFR-1 *мекасерминининг* INN номи қўшилди.

S3. БЕТА-2 АГОНИСТЛАРИ

Бу гуруҳга кирувчи дори воситалари ҳам доимий тақиқланган ҳисобланади. Бета-2 агонистлари асосан бронхларнинг силлиқ мушакларида жойлашган рецепторларга таъсир қилиб бронхларнинг кенгайиши ва бронхиал ўтказувчанликни яхшилашга, жигарда гликогенезга ва қонда глюкоза миқдорининг ошишига ёрдам беради. Бета-2 агонистлар тақиқланган рўйхатнинг специфик гуруҳига киритилган. Барча селектив ва носелектив бета-2 агонистлар, хусусан, уларнинг оптик изомерлари, тақиқланган. Бу дори воситаларини қўллашда айрим истиснолар мавжуд.

- Ингаляцион салбутамол: ҳар 24 соат ичида энг кўпи билан 1600 мкг миқдорда, ҳар 8 соатда 600 мкг миқдордан оширмаган ҳолда;
- Ингаляцион формотерол: ҳар 24 соат ичида энг кўпи билан 54 мкг миқдордан оширмаган ҳолда;
- Ингаляцион салметерол (salmeterol): ҳар 24 соат ичида энг кўпи билан 200 мкг миқдордан оширмаган ҳолда;
- Ингаляцион вилантерол (vilanterol): ҳар 24 соат ичида энг кўпи билан 25 мкг миқдордан оширмаган ҳолда;

Муҳим эслатма: Пешоб таркибида 1000 нг/мл дан юқори концентрацияда салбутамол ёки 40 ng/ml дан юқори концентрацияда *формотерол* мавжудлиги ушбу моддалардан даволаниш учун фойдаланганлик мақсадига мос келмайди. Спортчи топширган допинг синамада *формотерол* ҳамда *салбутамол*нинг ҳар қандай миқдорда аниқланиши, агар спортчида ушбу модда(лар)ни қўллаш учун *Терапевтик истисно руҳсатномаси (ТИ)* бўлмаса, бу ҳолат *Салбий Таҳлилий Натижа (AAF)* деб ҳисобланади (агар спортчи бунинг аксини исботлаб беролмаса). Фармакокинетик назорат тадқиқотлари шуни кўрсатадики, юқорида кўрсатилган энг кўп миқдорнинг терапевтик дозаси мазкур дори воситаларини ингаляция орқали қабул қилганда ҳосил бўлар экан.

Агар спортчида бронхиал астма касаллиги бўлса спортчи Терапевтик Истисно комиссиясига мурожаати орқали бу гуруҳга кирувчи дори воситаларидан ТИ руҳсатномаси билан фойдаланиши мумкин бўлади.



S4. ГОРМОНЛАР ВА МЕТАБОЛИЗМ МОДУЛЯТОРЛАРИ



Бу гуруҳга кирувчи дори воситалари спортчилар учун доимий тақиқланган гуруҳга киради.

Бу гуруҳ дори воситалари ўз ичида тўрт гуруҳга бўлинади: S.4.1. Ароматаза ингибиторлари – стероид гормонлар биосинтезида иштирок этувчи ферментлар.

S4.2. Антиэстроген моддалар – гонадотропин ишлаб чиқариш стимулятори ҳисобланиб, гипофиз безининг гонадотропик гормонлари секрециясини оширади.

S4.3. ИВ активин рецептори фаолланишининг олдини олувчи агентлар;

S4.4. Метаболизм модуляторлари; организмда моддалар алмашинувини тезлаштириб берувчи дори воситалари.

Бу гуруҳга кирувчи S.4.1 ва S4.2 гуруҳлари дори воситалари специфик, S4.3 ва S4.4 гуруҳларига кирувчи дори воситалари носпецифик саналади. Бу гуруҳга кирувси Инсулин дори воситасидан қандли биабет касаллиги билан касалланган спортчиларда Терапевтик истисно руҳсатномасини олган ҳолда фойдаланиши мумкин.



S5. ДИУРЕТИКЛАР ВА НИҚОБЛОВЧИ ВОСИТАЛАР

Бу гуруҳга кирувчи дори воситалари спортчилар учун доимий тақиқланган ҳисобланади. Бу гуруҳга кирувчи дори воситаларининг ҳеч бири спортчи учун ҳеч қандай куч берувчи дори сифатида ёрдам бермайди. Бу дори воситаларидан кўпинча спортчилар мақсадли равишда, яъни спортда тақиқланган дори воситаларини қабул қилганда ниқоблаш (яшириш) мақсадида қабул қилишлари мумкин.



Бу гуруҳ дори воситаларини қўллашда ҳам истиснолар мавжуд;

Дроспиренон (Drospirenone), памабром (pamabrom), ва карбоангидраза ингибиторлари кўзга маҳаллий юборилганда маълум бир дозаларда фойдаланиш

мумкин (масалан, дорзоламид (*dorzolamide*), бринзоламид (*brinzolamide*));

Оғиз бўшлиғини оғриқсизлантириш мақсадида *felypressin* маҳаллий юборилганда фойдаланиш мумкин;

Муҳим эслатма: Спортчи топширган допинг синамада куйидаги моддаларнинг: **катин, эфедрин, метилэфедрин** ва **псевдоэфедрин, диуретик** ёки **яширувчи агент** билан биргаликда ҳар қандай миқдорда аниқланиши, агар спортчида ушбу модда(лар)ни қўллаш учун *Терапевтик истисно рухсатномаси (ТИ)* бўлмаса, бу ҳолат *Салбий Таҳлилий Натижа (AAF)* деб ҳисобланади.



ДОИМИЙ ТАҚИҚЛАНГАН УСУЛЛАР

М1. ҚОН ВА УНИНГ КОМПОНЕНТЛАРИ БИЛАН МАНИПУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ



Қуйидагилар тақиқланган:

1. Қон айланиш тизимига ҳар қандай миқдордаги келиб чиқиши турлича аутоген, аллоген (гомоген) ёки гетероген қон ёки қизил қон таначалари дори воситаларини бирламчи ёки қайта юборишни буюриш. Лекин рўйхатдан ўтган донорлик марказида спортчиларга плазма ёки плазма компонентларини плазмафер орқали юбориш бундан мустасно.

2. Организмга кислород моддасини ташқаридан киритиш, етказиб бериш ёки ўзлаштиришни сунъий равишда кучайтириш.

Шу жумладан, бу билан чекланиб қолмаган ҳолда перфторкимёвий моддалар; эфапроксирал (*efarproxiral (RSR13)*) ва ўзгартирилган гемоглобин маҳсулотлари, масалан, гемоглобинга асосланган қон ўрнини босувчи моддалар ва микрокапсулаланган гемоглобин маҳсулотлари доимий тақиқланган. Лекин ингаляция орқали кислород билан қўшимча нафас олиш бундан мустасно.

3. Қон ёки унинг таркибий қисмларини Физик ёки кимёвий усуллар билан томир ичига минипуляция (олиб кириш) қилишнингбарча шакллари.

М2. КИМЁВИЙ ВА ЖИСМОНИЙ МАНИПУЛЯЦИЯЛАР

Қуйидагилар тақиқланган:



1. Сохталаштириш, яъни допинг назорати жараёни вақтида олинган намуналарни *яхлитлиги ва ҳақиқийлигини* бузиш мақсадида уларни қалбакилаштиришга уриниш. Шу жумладан, допинг синамасини алмаштириш ва/ёки унинг хусусиятларини ўзгартириш учун таҳлилни мураккаблаштириш (допинг синамасига протеаза

ферментини қўшиш)

2. 12 соат давомида 100 мл дан ортиқ суюқлик (дори воситаси)ни томир ичига инъекция қилиш. Лекин (расман шифохона шароитида даволаниш, жарроҳлик муолажаси ёки клиник-диагностик текширувларни бошдан кечириш бундан мустасно).



М3. ГЕН ВА ҲУЖАЙРАВИЙ ДОПИНГ

Нормал ва генетик ўзгартирилган хужайралардан фойдаланиш

Қуйидаги усуллар, спорт натижасини ошириш эҳтимоли кучли бўлгани сабабли тақиқланган:

1. Геном кетма-кетлигини ўзгартириш ва/ёки ген экспрессиясини ҳар қандай механизм билан ўзгартириши мумкин бўлган нуклеин кислоталар ёки унинг аналогларидан фойдаланиш. Бунга генларни таҳрирлаш, генларни ўчириш ва генларни узатиш технологиялари киради. Лекин улар билан чекланиб қолмайди.



МУСОБАҚА ДАВРИДА ТАҚИҚЛАНГАН МОДДА ВА УСУЛЛАР

S6. СТИМУЛЯТОРЛАР

Стимулятор дори воситалари марказий асаб тизимининг юқори бўлимлари тонусини ошириб, кайфиятни, психимотор фаолликни, ақлий ва жисмоний фаолиятни (айниқса, толиққан вақтда) кўтарди, уйқуга эҳтиёжни, наркотик ва ухлатувчи моддалар таъсирини камайтиради. Стимуляторлар организмдаги ички заҳирани сунъий равишда энергияга айлантириш ҳисобига спортчилар бу дори воситаларидан сунъий энергия олиш учун фойдаланишади. Бу гуруҳга кирувчи дори воситалари специфик саналади, яъни агар спортчи топширган допинг синама таҳлиллари натижасидан ушбу гуруҳ дори воситалари аниқланса спортчига 2 йилдан 4 йилгача спортдан четлатиш чораси кўрилади.



Бу гуруҳ дори воситаларидан ҳам терапевтик истисно тарзида фойдаланиш мумкин.

Клодин

Дерматологик, бурун, кулок, ёки офталмологик фойдаланиш учун имидазолин ҳосилалари (масалан, бримонидин, инданозолин, клоназолин, ксилометазолин, нафазолин, оксиметазолин, трамазолин, тетризолин, феноксазолин) сифатида Тақиқланган рўйхатнинг 2024 йилги Мониторинг дастурига киритилган.

Бупропион, кофеин, никотин, пирадол ва синефрин, фенилпропаноламин, фенилэфрин.

Бу моддалар ҳам 2024 йилги мониторинг дастурига киритилган, ҳозирда тақиқланган эмас.

Катин (d-norpseudoephedrine) ва унинг L-изомери.

Агар мазкур синф моддаларидан бирининг пешобдаги концентрацияси 5 мкг/мл дан ошса, тақиқланган моддалар сифатида тавсифланади.

Метилэфедрин ва **эфедрин**.

Агар иккала модданинг пешобдаги концентрацияси 10 мкг/мл дан ошса, тақиқланган модда сифатида тавсифланади.

Эпифрин (адреналин).

Маҳаллий (масалан, бурун, кўз) ёки маҳаллий оғриқсизлантирувчи воситалар билан биргаликда ишлатилганда тақиқланган эмас.

Псевдоэфедрин.

Агар пешобдаги концентрацияси 150 мкг/мл дан ошса, тақиқланган модда сифатида қабул қилинади.

S7. НАРКОТИКЛАР

Наркотиклар асосан синтетик йўл билан ажратиб олинади ва бу дори воситалари кучли оғриқ қолдирувчилар ҳисобланиб спортчилар наркотик дори воситаларида кучли оғриқда (яни сюяк-мушак тизими синганда) Терапевтик Истисно руҳсатномаси олиш орқали фойдаланиши мумкин. Агар спортчи кутилмаганда оғир ҳолатга тушса ва шифокор томонидан наркотик модда буюрилган бўлса маълумотларга асосланиб ТИ аризасини тўлдириб қўйиш керак.



S8. КАННАБИНОИДЛАР

Каннабиноидлар асосан ўсимликларда табиий йўл билан (қуриштириш ва турли хил гуруҳларини аралаштириш орқали) олинган моддалар ҳисобланади. Бу моддаларнинг ҳам синтетик турлари мавжуд. Бу гуруҳ дори воситалари мусобақа даврида тақиқланган, специфик ҳисобланади.



S9. ГЛЮКОКОРТИКОИДЛАР



Глюкокортикоидлар меъда ости безининг пўстлоқ қисмидан ажралиб чиқувчи гормонлар бўлиб, уларнинг синтетик ҳосилалари дори воситалари ҳисобланади. Таъсир механизмига кўра глюкокортикоидлар яллиғланишга қарши воситалар ҳисобланади.

Барча глюкокортикоидларнинг ҳар қандай инъекцияси, оғиз орқали (масалан, оғиз, гингвал ва тил ости) ёки ректал йўл билан қўлланилиши тақиқланади. Лекин фақатгина тақиқланган рўйхатда келтирилган дори воситалари билан чекланмаган.

Мухим эслатма: Мазкур дори воситаларини ишлаб чиқарувчи дори компаниялари томонидан белгиланган дозалар ва терапевтик кўрсаткичлардан фойдаланганда организмга киритиш усуллари (шу жумладан ингаляция, тиш каналига маҳаллий юбориш, дерматологик, интраназал, офталмологик, кулоқ ва перианал йўллар орқали организмга кириши) тақиқланмайди.

АЙРИМ СПОРТ ТУРЛАРИДА ТАҚИҚЛАНГАН МОДДАЛАР

P1. БЕТА БЛОКАТОРЛАР

Бета-блокаторлар фақат куйидаги спорт турларида мусобақа даврида тақиқланади ва белгиланган ҳолларда мусобақадан ташқари даврда ҳам тақиқланади:

- Автоспорт (FIA)
- Билярд спорти (WCBC)
- Дартс (WDF)



- Голф (IGF)
- Чанғи спорти/сноуборд (FIS) (чанғида трамплиндан сакраш, фристайл акробатика/ хаф-пайп, сноубордда хаф-пайп/биг-эйр)
- Сувга шўнғиш (CMAS) (доимий оғирликда ластсиз ва ласт билан апноэ, ластсиз ва ласт билан ҳаракатдаги апноэ ва эркин шўнғиш, апноэ квадрати, сув ости ови, статик апноэ, сув остида отиш, ўзгарувчан оғирликдаги апноэ).
 - Ўқ отиш (ISSF, IPC)*
 - Камондан отиш (WA)*

ТАҚИҚЛАНГАН РЎЙХАТГА МОДДАЛАР ВА УСУЛЛАРНИ КИРИТИШ МЕЗОНЛАРИ

ВАДА тақиқланган рўйхатга модда ёки усулни киритиш тўғрисида қарор қабул қилишда қуйидаги мезонларга амал қилади.

4.3.1. Агар, ВАДА ушбу модда ёки усулни қуйидаги учта мезондан иккитасига жавоб беришини аниқласа, тақиқланган рўйхатга киритишни кўриб чиқиши керак;

4.3.1.1. Тиббий ёки бошқа илмий маълумотлар, фармакологик таъсир ёки тажриба ушбу модда ёки усулни спорт кўрсаткичларини яхшилаши ёки яхшилашга қодир эканлигини кўрсатса;

4.3.1.2. Тиббий ёки бошқа илмий маълумотлар, фармакологик таъсир ёки тажриба, ушбу модда ёки усулни спортчининг соғлиғига етарлича равишда хавф туғдиришини аниқласа;

4.3.1.3. ВАДА ушбу модда ёки усулдан фойдаланиш спорт руҳига зид, деб қарор қабул қилса.

4.3.2. Агар, ВАДА ушбу модда ёки усул бошқа тақиқланган моддалар ва тақиқланган усуллардан фойдаланишни яширишга қодирлигини кўрсатадиган тиббий ёки бошқа илмий далиллар, фармакологик таъсир ёки тажриба мавжудлигини аниқласа, ушбу модда ёки усул ҳам тақиқланган рўйхатга киритилиши керак.

Эслатма! Агар модда ниқобловчи восита бўлса ёки қуйидаги учта мезондан иккитасига жавоб берса, тақиқланган рўйхатга киритиш учун кўриб чиқилади:

- 1) у спорт кўрсаткичларини яхшилашга қодир бўлса;
- 2) бу соғлиқ учун етарлича равишда ёки ҳақиқатда хавф туғдирса;
- 3) унинг қўлланилиши спорт руҳига зид бўлса.

Ушбу учта мезоннинг ҳеч бири, алоҳида ҳолида, модданинг тақиқланган рўйхатга киритиш учун етарли эмас. Масалан, гўшт ёки углеводларни истеъмол қилиш, жисмоний ва ақлий тайёргарлик ёки ўртатоғ ён бағрида машғулотлар

Ўтказиш биринчи мезонни тўлиқ қондиради. Иккинчи мезон учун, масалан, чекиш тўғри келади. Барча учта мезонни бирданига бажарилишини талаб қилиш ҳам нотўғри бўлар эди. Масалан, спорт кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилаш учун ген трансплантацияси технологияларидан фойдаланиш, ҳатто соғлиқ учун хавф туғдирмаса ҳам, спорт руҳига зид равишда тақиқланиши керак.

Худди шунингдек, зарур синовдан ўтказилмаган потенциал зарарли моддалардан фойдаланиш, гарчи улар спорт кўрсаткичларини яхшилашга қодир деб нотўғри ҳисобланса ҳам, улар натижаларни яхшилаши ёки яхшиламаслигидан қатъи назар спорт руҳига зиддир.

4.3.3. ВАДАнинг модда ёки усулни тақиқланган рўйхатга киритиш тўғрисидаги қарори якуний ҳисобланади ва уни спортчи ёки бошқа шахс томонидан ушбу модда ёки усул ниқобловчи восита эмаслиги, натижаларни яхшилаш олмадлиги, соғлиқ учун хавф туғдирмаслиги ёки спорт руҳига зид келмаслиги асосида муҳокама қилинмайди.

4.3 моддада белгиланган талаблар бажарилмаса, муҳокама қилинмайди. Масалан, организмда топилган модда ушбу спорт турида ҳеч қандай натижани яхшиламайди, деган далил (исбот) эътиборга олинмиши мумкин эмас. Агар, спортчидан олинган намунада тақиқланган рўйхатга киритилган модда топилса, у ҳолда спортчи томонидан допинг ишлатилган, деб ҳисобланади. Тақиқланган моддалар айнан худди шундай тамойилда қабул қилинган.

Тақиқланган рўйхатни қайта кўриб чиқиш ва нашр этиш

ВАДА керак бўлганда тез-тез, лекин йилига камида бир марта тақиқланган рўйхатни халқаро стандарт асосида нашр этиш мажбуриятини олади. Тақиқланган рўйхатнинг таклиф этилаётган мазмуни ва унинг барча ўзгаришлари имзолувчиларга ва ҳукуматларга шарҳлар ва маслаҳатлар учун ёзма равишда тақдим этилади. ВАДА тақиқланган рўйхатнинг ҳар бир йиллик версияси ва унинг барча ўзгаришларини ҳар бир имзолаган ва ҳар бир ҳукуматга ўз вақтида тақдим этади ва ўзининг веб-сайтида эълон қилади. WADA тақиқланган рўйхатни имзолаган ҳар бир томон ва унинг барча аъзолари ҳамда раҳбарларига тақдим этиш учун тегишли чораларни кўриши шарт. Ҳар бир антидопинг ташкилотининг қоидаларида, агар тақиқланган рўйхатда ёки унга киритилган ўзгартиришларда бошқача қоида кўрсатилмаган бўлса, допингга қарши ташкилотга ҳеч қандай талабларсиз тақиқланган рўйхат ёки тузатишлар ВАДА томонидан тақиқланган рўйхат эълон қилинганидан кейин уч ой ўтгач, антидопинг ташкилотининг юрисдикцияси остида кучга кириши кераклиги тўғрисидаги банд бўлиши керак.

Эслатма! Тақиқланган рўйхатга киритиладиган ўзгартиришлар зарурат туғилганда амалга оширилади. Бироқ, рўйхатда ўзгаришлар бор-йўқлигидан қатъий назар, ҳар йили янги рўйхат эълон қилинади. Рўйхатнинг қайси версияси энг сўнгги эканлиги ҳақида келишмовчиликлар бўлмаслиги учун ҳар бир янги рўйхатни январ ойида нашр этиш ХОҚнинг амалиётига айланган. Тақиқланган рўйхатнинг жорий версиясини ҳар доим ВАДА веб-сайтида топиш мумкин.

ТЕРАПЕВТИК ИСТИСНО НИМА?

Терапевтик истисно (ТИ) – спортчига Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (ВАДА) жорий қилган тақиқланган рўйхатга кирган спортда тақиқланган дори воситалари ва усуллардан қонуний тарзда фойдаланиш имконияти. Терапевтик истисно:

- Жаҳон антидопинг дастурининг мажбурий қисми;
- Спортчилар учун даволаниш ҳуқуқи.

ТИ спортчига даволаниши учун мусобақа пайтида тақиқланган дори воситасидан ёки усулдан қонуний фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Терапевтик истисно рухсатномаларини олиш мезонлари

Терапевтик истисно рухсатномаси олиш учун қуйида келтирилган тўртта мезоннинг барчаси бажарилиши керак:

а) кўриб чиқиладиган тақиқланган модда ёки тақиқланган усул тегишли клиник маълумотлар билан тасдиқланган ташхис қўйилган касалликни даволаш учун талаб қилинган бўлса;

б) тақиқланган моддани ёки тақиқланган усулни терапевтик қўллаш, эҳтимоллик нуқтаи назаридан, касалликни даволашдан кейин спортчининг нормал соғлиғига қайтишда кутилган натижалардан ташқари унда қўшимча спорт натижаларининг яхшиланишга олиб келмаслиги;

с) тақиқланган модда ёки тақиқланган усул бу касаллик учун кўрсатилган даво бўлиб, унинг рухсат этилган терапевтик муқобили мавжуд эмаслиги;

д) тақиқланган модда ёки тақиқланган усулдан фойдаланиш зарурати, тўлиқ ёки қисман, бундай фойдаланиш пайтида тақиқланган модда ёки усулдан олдин (ТИ рухсатсиз) фойдаланишнинг натижаси бўлмаслиги.

ТИ рухсатномаси олишнинг тартиби

Тиббий сабабларга кўра тақиқланган моддани ва/ёки тақиқланган усулни қўллаши керак бўлган спортчи белгиланган моддани ва/ёки усулни ишлатишдан ёки унга эга бўлишдан олдин ТИ рухсатномасини олиши керак. Рухсатномага

мухтож бўлган спортчи имкон қадар тезроқ ТИ учун сўров юбориши керак. Мусобақа даврида тақиқланган моддалар учун ТИ сўрови мусобақа даври бошланишидан камида 30 кун олдин топширилиши керак.

ТИга ёки ТИ бўйича қарорни тан олиш учун сўров юборган спортчи:

а) ТИ сўрови билан боғлиқ барча маълумотларни ТИ сўровини кўриб чиқишга ваколатли барча терапевтик истисно комиссияси (ТИК) аъзоларига, бошқа мустақил тиббий ёки илмий экспертларга, шунингдек ТИ сўровини қайта ишлаш, кўриб чиқиш ёки апелляция қилишда иштирок этган барча ходимларга (шу жумладан ВАДА ходимларига) етказилишига;

б) ТИК аъзоларига спортчининг шифокори томонидан ТИ сўровини кўриб чиқиши ва ТИ бўйича қарор қабул қилиши учун зарур деб ҳисоблаган ҳар қандай маълумотни ошкор қилинишига;

в) спортчидан допинг синама олиш ва (ёки) натижаларни қайта ишлаш ваколатига эга бўлган барча антидопинг ташкилотларига сўров бўйича маълумотларни тарқатишга ёзма равишда ўз розилигини бериши керак.

ТИК қарорига мувофиқ, спортчи ёки унинг шифокоридан комиссия томонидан ТИ учун сўровни кўриб чиқиш учун зарур деб ҳисобланган ҳар қандай қўшимча маълумот, таҳлил, тасвирий тадқиқотлар ва бошқа маълумотлар сўралиши мумкин. Шунингдек, агар керак бўлса, ТИК бошқа тиббий ёки илмий мутахассислардан ёрдам сўраб муружаат этиши мумкин.

ТИК қисқа вақт ичида ТИ учун рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Одатда (агар истисно ҳолатлар юзага келмаса) қарор тўлиқ бажарилган сўров олинган кундан бошлаб 21 кун ичида қабул қилинади.

ТИК қарори спортчига ёзма равишда ва ADAMS тизимида етказилади. Агар сўровнома ТИК томонидан тасдиқланган бўлса, рухсатномада тақиқланган модданинг ва/ёки тақиқланган усулнинг дозаси, фойдаланиш вақти-соати, қабул қилиш йўли ва фойдаланиш муддати, клиник ҳолатлар, шунингдек рухсатнома берилиши муносабати билан белгиланган ҳар қандай шартлар кўрсатилади. ТИга рухсат беришни рад этиш тўғрисидаги қарор рад этиш сабабларини тушунтириш билан бирга келади.

Агар, ТИга рухсат олгандан сўнг, спортчи тақиқланган модданинг рухсатномада кўрсатилган дозасини, фойдаланиш вақти-соатини, ёки қабул қилиш усули ва муддатини сезиларли даражада ўзгартириши керак бўлса, ТИ учун янги сўров юборилиши зарур.

Ҳар бир ТИ рухсатномаси қатъий белгиланган амал қилиш муддатига эга ва муддати тугагач рухсатнома бекор қилинади. Агар спортчи рухсат муддати тугагандан сўнг тақиқланган модда ёки тақиқланган усулдан фойдаланишни давом эттириши керак бўлса, у ҳолда рухсат муддати тугашидан олдин, ТИК қарор қабул қилиши учун етарли даврда, ТИ учун янги сўров юбориши керак.

Агар спортчи рухсатномада кўрсатилган талаблар ёки шартларга риоя қилмаса, ТИ рухсатномаси амал қилиш муддати тугашидан олдин бекор қилиниши ҳам мумкин.

Агар Ўзбекистон миллий антидопинг агентлиги (ЎзМАДА) томонидан берилган ТИ рухсатномасига эга бўлган спортчи халқаро даражадаги спортчига айланса (ҳар бир халқаро спорт федерацияси томонидан белгиланганидек) ёки халқаро спорт тадбирида иштирок этса, у ҳолда ушбу рухсатнома тегишли халқаро федерация томонидан тан олинмагунча амал қилмайди. Спортчи ЎзМАДАга рақобат даражасининг ўзгариши ҳақида хабар бериши керак. Бундай ҳолда, ЎзМАДА спортчига ЎзМАДА томонидан берилган ТИ рухсатномасини тан олиш учун сўров юборишда ёрдам беради.

Ретроактив ТИ учун сўровлар

Спортчи, ретроактив ТИ рухсатномаси олиш учун Терапевтик Истиснолар комиссиясига мурожаат қилиши зарур, агар:

а) фавкулотда вазият ёхуд шошилиш тиббий ёрдам зарур бўлган бўлса;
б) спортчининг допинг намуна олишдан олдин ТИ аризаси топширишга (ёки ТИ аризасини кўриб чиқишга) вақти, имконияти ёки бошқа ҳолатлар етарли бўлмаган бўлса.

в) спортчи миллий ёки халқаро даражадаги спортчи бўлмаса;

г) ВАДА ва ЎзМАДА ташкилотлари адолатлилик тамойили асосида ретроактив ТИ рухсатномасини берилишини талаб қилишига келишиб олишлари.

д) муайян спорт турлари ёки йўналишларнинг миллий даражада устуворлиги туфайли Миллий Антидопинг ташкилоти спортчига ТИ аризаси топширишга рухсат бермаслиги ёки талаб қилмаслиги.

Агар антидопинг ташкилоти Халқаро даражадаги спортчидан допинг синама олишга қарор қилса ва ушбу спортчи Терапевтик сабабларга кўра тақиқланган модда ёки тақиқланган усулдан фойдаланаётган бўлса, ёки спортчи мусобақа пайтида тақиқланган дори воситасини мусобақадан ташқари вақтда терапевтик сабабларга кўра ишлатган бўлса антидопинг ташкилоти спортчига ретроактив ТИ аризаси беришга рухсат бериши зарур.

Камдан-кам ва истисно ҳолатларда ҳамда Терапевтик Истиснолар Халқаро Стандарти (ISTUE)даги бошқа қоидаларга қарамай, спортчи тақиқланган модда ёки усулдан терапевтик мақсадда фойдаланиш учун ретроактив ТИ олиш учун мурожаат қилиши ва унинг мурожаати қаноатлантирилиши мумкин, агар кодекснинг талабидан келиб чиқиб, спортчига ретроактив ТИ рухсатномаси берилмаслиги адолатсизлик бўлса. Антидопинг ташкилоти спортчига ретроактив ТИ рухсатномасини фақат ВАДА томонидан олдиндан тасдиқланган ҳолда бериши мумкин (бунда ВАДА ўз хоҳишига кўра антидопинг Ташкилотининг қарорига рози бўлиши ёки рад этиши мумкин).

Муҳим эслатма! ТИ рухсатномасисиз тақиқланган модда ёки усулдан фойдаланиш антидопинг қоидаларини бузилишига олиб келиши мумкин.

Агар допинг синама олинганидан сўнг ретроактив ТИ рухсатномаси зарур бўлса, спортчи тиббий маълумотларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш учун топширишга тайёр бўлиши қатъий тавсия этилади.

Биологик фаол қўшимчалар ва спорт озуқавий маҳсулотларидан фойдаланиш билан боғлиқ хавфлар

Озиқлантирувчи қўшимчалар спорт жамоатчилигида кенг қўлланилади, аммо уларнинг кўпчилигини самарадорлиги шубҳалидир.

Озиқлантирувчи қўшимчалардан фойдаланган ҳолда, спортчилар машғулотларга тез мослашишни, тикланиш вақтини қисқартиришни, танани энергия билан таъминлашни ва спорт кўрсаткичларини яхшилашни кутадилар. Лекин спортчилар томонидан қўлланиладиган кам сонли қўшимчалар ишончли илмий маълумотлар билан тасдиқланган самарадорликка эга. Аксарият қўшимчалар эса соғлиқ учун хавфли, боз устига уларда спортда тақиқланган моддалар бўлиш эҳтимоллиги юқори.

Агар танада маълум бир витамин ёки минералнинг аниқ етишмаслиги бўлса ва уни овқатланиш орқали тўлдиришнинг иложи бўлмаса, озуқавий қўшимчалар етишмовчиликни бартараф этишнинг қисқа муддатли усули бўлиши мумкин, аммо улар нотўғри овқатланиш муаммосини ҳал қила олмайди. Кўпгина спортчилар жуда эҳтиёткорсизлик билан ҳаракат қилишади ҳамда рухсат этилган чегаралардан ошиб кетадиган дозаларда озуқавий қўшимчаларни қабул қилишади ва ҳеч қандай ножўя таъсирларсиз 100% ижобий таъсирни "кафолатлайдиган" рекламага кўр-кўрона ишонадилар. Бундай масъулиятсиз ёндашувнинг оқибатлари спортчининг соғлиғига ва спорт карьерасига зарар етказиши мумкин.

Бутунжаҳон антидопинг агентлиги спортчиларнинг озуқавий қўшимчалардан фойдаланишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Сабаби кўпгина мамлакатларда БФҚларни ишлаб чиқарилиши ҳукумат томонидан етарли даражада тартибга солинмайди. Бу шуни англатадики, препаратнинг таркибий қисмлари қадок ёрлиғида кўрсатилганларга мос келмаслиги мумкин. Баъзи ҳолларда қадоклашда кўрсатилмаган моддалар антидопинг қоидаларига мувофиқ тақиқланган моддаларни ўз ичига олиши мумкин. Допинг назорати ижобий натижаларининг асосий қисми паст сифатли озуқавий қўшимчалардан фойдаланиш натижаси эканлиги бунга яққол мисол бўлади.

ВАДА кўплаб спортчилар озуқавий қўшимчаларнинг фойдалари ва улар таркибида тақиқланган моддалар мавжудлиги ёки йўқлиги ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган ҳолда, озуқавий қўшимчаларни истеъмол қилаётганликларидан хавотирда. Допинг аниқланганлик тўғрисидаги ишни

кўриб чиқилаётган даврда сифатсиз озуқавий қўшимчадан фойдаланганлик ҳолатлари афсуски спортчи учун баҳона бўла олмайди. Спортчилар озуқавий қўшимчалар хавфли ва зарарли моддаларни ўз ичига олиши мумкинлигини ва шунингдек, спортчининг ўзи тўлиқ жавобгарлиги принципини билишлари керак.

Миллий ва халқаро тест дастурлари доирасида допинг назорати остида бўлган спортчилар озуқавий қўшимчаларни қабул қилишда эҳтиёт бўлишлари керак.

Баъзи озуқавий қўшимчалар антисанитария шароитида ишлаб чиқарилади ва кўплаб қўшимчалар ошқозон-ичак йўлининг бузилишига олиб келадиган токсинларни ўз ичига олади. Бошқа қўшимчаларда кўрсатилган ингредиентлар орасида энг қиммат турадиганлари бўлмаслиги мумкин. Кўпинча, анаболик стероидлар, стимуляторлар ва спортда тақиқланган бошқа моддалар озуқавий қўшимчаларга қўшилади. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар тўртта қўшимчадан бири ижобий допинг тестни келтириб чиқариши мумкин. Бундан ташқари, тақиқланган моддалар кўпинча ёрликда кўрсатилмайди, шунинг учун на спортчи, на тиббиёт ходимлари уларнинг мавжудлигидан бохабар бўлади.

Бугунги кунда кафолатланган соф озуқавий қўшимчалар мавжуд эмас. Агар сиз озиқ-овқат қўшимчаларидан бутунлай воз кечсангиз, танангизнинг поклигига тўлиқ ишонишингиз мумкин, аммо замонавий спортда бундай ҳолатга риоя қилиш даргумон.

Муайян қўшимчани олишга қарор қилишдан олдин, масъулиятли спортчи биринчи навбатда унга ҳақиқатан ҳам муҳтож эканлигига ва унинг соғлиғи ва спорт карьерасига хавф туғдирмаслигига ишонч ҳосил қилиши зарур. Озиқлантирувчи қўшимчалар тиббий кўрик маълумотларига асосланган спорт шифокорининг тавсияларига мувофиқ олиниши керак. Қўшимчани олишга қарор қилганингиздан сўнг, жаҳонга машҳур халқаро фармацевтика компаниялари каби сифатли ускуналардан фойдаланган ҳолда таниқли ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини ишлатишингиз керак. Шунинг эса тутиш керакки, Россия бозоридаги спорт озиқ-овқат маҳсулотларининг 80%и қалбаки бўлиб, улар таркибида спортда тақиқланган моддалар бўлиш эҳтимоллиги юқори. Айниқса, онлайн спорт озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олаётганда эҳтиёт бўлишингиз керак.

Спортчи допингга қарши қоидалар мавжудлигини ва ўзининг танасига кирадиган барча нарсалар учун жавобгарлигини ёдда сақлаши шарт.

Бу соҳадаги спортчининг билимсизлиги допинг тестининг ижобий натижаси учун жавобгарликдан озод қилмайди.

Озуқавий қўшимчаларни қабул қилишга спорт шифокори билан маслаҳатлашганидан кейин рухсат этилади. Агар озуқавий қўшимчаларнинг хавфсизлигига озгина шубҳа туғилса, уларни қабул қилишни тўхтатиш керак.

Диққат! Озуқавий қўшимчаларни шифокор билан маслаҳатлашмасдан фойдаланиш мумкин бўлган универсал восита сифатида қарамаслигингиз керак. Бу сизнинг соғлиғингиз ва спорт карьерангиз учун хавfli бўлиши мумкин.